

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНКУЛОВА НУРЖАХОН АБДУЖАББОРОВА

**БАХТ-САОДАТ ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-
АНТРОПОЛОГИК МОҲИАТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Эшонкулова Нуржахон Абдужабборовна
Бахт-саодат феномени ва унинг ижтимоий-антропологик моҳияти 5

Эшонкулова Нуржахон Абдужабборовна
Феномен счастья и его социально-антропологическая сущность..... 23

Eshonkulova Nurjakhon Abdujabborovna
The phenomenon of happiness and its socio-anthropological significance43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНКУЛОВА НУРЖАХОН АБДУЖАББОРОВА

**БАХТ-САОДАТ ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-
АНТРОПОЛОГИК МОҲИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fal.176 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузиева Рухсора Ходиевна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Назаров Қиём Нормерзаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Самадов Ақтамкул Рафикович
фалсафа фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “14” июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365)221-29-14; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz Бухоро давлат университети кичик мажлислар зали, 2-кават, 201-хона).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 67 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365)221-29-14; факс: (0365)221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил “30” июнь куни тарқатилди.
(2021 йил “30” июн даги 9 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Саломова Х.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнларида этномаданий бойликларни, миллий ўзликни асрашга қаратилган ҳаракатлар, инсон ва жамият ўртасида юзага келаётган ижтимоий муаммолар, демократия, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашдаги зиддиятлар инсон ҳаёти, саломатлиги, бахт-саодати каби масалаларни тадқиқ этишга бўлган эътиборни оширишда. Шу сабабли бахт-саодат феноменининг социантропологик аҳамиятини ўрганиш, инсон ва жамият муносабатлари ўртасидаги уйғунликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни илмий асослаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёдаги кўпгина давлатларнинг илмий марказлари томонидан бахт – умуминсоний кадрият, олий мақсад, энг юксак эзгулик сифатида доимо фалсафанинг асосий мавзуларидан бири сифатида ўрганиб келинмоқда. Замонавий социология ва иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотларда бахт феноменини ўрганувчи кўплаб кўрсаткичлар (БМТнинг “Инсон камолоти индекси”, “Бутунжаҳон фаровонлик индекси”, “Халқаро бахт индекси”) келтирилган. Ҳозирги кунда бахтли ҳаётнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб бериш, бахт-саодат феноменининг ижтимоий-антропологик моҳиятининг реал назарий асосларини ишлаб чиқиш каби масалалар ижтимоий-гуманитар фан соҳасининг долзарб концептуал вазифаси бўлиб қолмоқда.

Республикаимиз тараққиётининг янги босқичида ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларда халқимизни том маънода бахтли қилиш асосий мақсад қилиб қўйилди. “Азиз фарзандларимиз, набираларимиз бахтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб, олдимизга улкан вазифалар қўймоқдамиз. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади”¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бахтли, фаровон ҳаётни барпо этиш, бахтиёрлик феноменларини аниқлаштириш, уларнинг объектив борлиққа, реал муносабатларга мувофиқ келадиган илмий-назарий асосларини ва индексларини такомиллаштириш, бу борада тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон “Ўзбекистон

¹Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.56.

тараққийнинг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарларида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган ғоялар ва у таълим этган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да халқнинг бахт-саодатга эришиши масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилган.

Бахт феноменининг социантропологик моҳиятини англашда Платон, Аристотель, Августин, Ф. Бэкон, Р. Декарт, И. Кант, Г. Гегель, Г. Лейбниц, А. Шопенгауэр, Ф. Ницше² каби Ғарб файласуфларининг таълимотлари муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг асарларида бахт-саодатнинг индивидуал, ижтимоий ва жамият билан зиддиятли боғлиқ масалалари тилга олинади. Ғарб либерал демократик қарашларига таянган тадқиқотчилар (Г. Спенсер, М. Вебер)нинг бахт-саодатни шахсий, индивиднинг эрки, ҳуқуқидан келиб чиққанлиги очиб берилади. Р. Лейн, Э. Фромм, Бхагаван Шри Раджнеш (Ошо), М. Аргайл, Х. Кэнтрил, Н. Бредберн, А. Кемпбелли, П. Конверс, В. Роджерс, Д. Рассел³ каби хорижлик файласуфлар эса инсоннинг бахтли ҳаёт кечириши, унда ижтимоий фазилатларни шакллантиришнинг эвдемоник моҳияти ва аҳамияти масалаларини ўрганишган.

Шарқ эвдемонияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари Будда, Конфуций, Зардушт, Лао Цзи, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирлар фалсафий мерослари орқали тадқиқ

² Арасту. Ахлоқи кабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 352 б.; Платон. Диалог: – М.: Эксмо, 2019. – 464 с.; Блаженный Августин Аврелий. Исповедь. – М.: ДАРЬ, 2005. – 544 с.; Бэкон Ф. Сочинения: В 2-х т. –Т.2. –Москва: Мысль, 1978. – С.575; Декарт Р. Сочинения в двух томах. Т.1. – М.: Мысль, 1989. – 654 с.; Гегель Г.В.Ф. Философия духа. – М.: Мысль, 1977. – 471 с.; Шопенгауэр А. Мир как воля и представление // Шопенгауэр А. Поли. собр. соч. – М.; 1990. – Т.1.; Ницше Ф. Генеалогии морали // Ницше Ф. Соч.: в 2-х т. – М.: Мысль, 1990. – Т.2. – С. 468.

³ Lane R.E. The Loss of Happiness in Market Democracies. New Haven, CT: Yale University Press, 2001. – P.480; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: Республика, 1994. – 447с.; Бхагаван Шри Раджнеш. Дао: путь без пути // Избранные беседы. – Новочеркасск: «Сагуна». – 1994 – 400 с.; Аргайл М. Психология счастья. М.: Питер, 2003. – 207 с.; Cantril H. The patterns of human concerns. New Brunswick: Rutgers University Press, 1965. – 454 с.; Bradburn Norman M. The Structure of Psychological Well-Being. Chicago: Aldine, 1969. – 332 p.; Campbell A., Converse P.E., Rodgers W.L. The quality of American life: perceptions, evaluations, and satisfactions. New-York: Russel Sage Foundation, 1976. – 583 p.; Russell.D. Happiness for Humans. Oxford: Oxford University Press, 2012. – 296 p.

этилган. Ушбу меросда бахт-саодатнинг ижтимоий борлиқ, бошқа кишилар ҳаёти, жамият билан боғлиқлигига оид таълимотлар шакллантирилганлиги, инсон ва жамият, шахс ва социум ўртасидаги узвий боғлиқлик социоантропологик ёндашув асоси экани аниқланган.

Муаммога оид изланишлар МДХ олимлари А.А. Азнауров, Р.Г. Апресян, М.В. Бахтин, А.А. Гусейнов, А.А. Игнатенко, П.А. Ландесман, М.В. Лапухина, Н.В. Мотрошилова, Е.А. Мишутина, К. Нешев, И.В. Сидоренко, В.А. Титов, Ю.А. Шрейдер, И.А. Джидарьян, В.И.Зацепин, А.П. Шамсетдинова⁴ каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Мазкур тадқиқотчилар бахт-саодатнинг индивидуал ва зиддиятли ёндашувларга, фалсафий жиҳатларга эга феноменлигини қайд этадилар. Бахтнинг инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ воқеликлар ичида чексиз мавзу, илмий муаммо эканлиги аксиома сифатида таъкидланган. Аммо бундан уни социоантропологик моҳиятини илғаб бўлмайди, деган хулоса келиб чиқмайди. Ижтимоий давр, ҳар бир авлод ва миллат унга ўз тасаввурларини сингдиради, жамиятдаги жиҳатларни ўзига хос тарзда талқин қилади.

Ўзбекистонда бахт-саодат феноменининг ижтимоий-фалсафий масалалари А. Абдусамедов, В. Алимасов, С. Агзамходжаева, Б. Зиямухамедов, Қ. Назаров, Г. Наврўзова, М. Қаҳҳорова, Р. Рўзиева, Х. Саломова, А. Чориев, Х. Шайхова, Э. Юсупов, Н. Ҳакимов, Б. Ҳайдаров⁵ каби олимлар томонидан қисман ўрганилган. Кўришиб турибдики, Ўзбекистонда “бахт-саодат” феномени ижтимоий-фалсафий фанлар объекти сифатида махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №ПЗ-20170929789 “Ўзбекистонда олий таълим

⁴ Азнауров А.А. Этическое учение Н.Г.Чернышевского. – М.: Высш. шк., 1960. – 95 с; Бахтин М.В. В поисках счастья. Религиозно-этические учения древности. – СПб: Нива, 2000. – 120с.; Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. – М.: Мысль, 1989. – 255 с.; Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: МГУ, 1989. – 188 с.; Ландесман П.А. Счастье как социально-этическая проблема: дис. канд. филос. наук. – Баку, 1966. – 219 с.; Мотрошилова Н.В. Боги, человек, нравственное поведение, счастье // История философии. Запад-Россия-Восток. Книга первая. Философия древности и средневековья. – М.: Греко-латинский кабинет, 2000. – С. 90-95.; Мишутина Е.А. Социально-философский анализ феномена счастья. дисс. канд. филос. наук. – М.: 2009. – 186 с.; Нешев К. Этика счастья: Пер. с болг. В.Т. Ганжина. – М.: Знание, 1982. – 64 с.; Сидоренко И.В. Антропология счастья. – М.: МАКС Пресс, 2006 – 297с.; Джидарьян И.А. Представление о счастье в российском менталитете. СПб.: Алетейя, 2001. – 240 с.; Зацепин В.И. Счастье как проблема социальной психологии. – Львов: Вища школа 1981 – 174 с.; Шамсетдинова А. П. Человеческое счастье как социокультурный феномен: дисс. канд. филос. наук. – Уфа, 2008. – 140 с.

⁵ Агзамходжаева С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 254 б.; Зиямухамедов Б. О, ҳазрати инсон: Саодатга эришиш йўллари – Тошкент: “Tamaddun”, 2015. – 392 б.; Назаров Қ. Аксиология. – Тошкент: Akademiya, 2011. – 361 б.; Наврўзова Г., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. – 194 б.; Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгилиниши: миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2011. – 160 б.; Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти – Бухоро: Durdona, 2018. – 196 б.; Чориев А. Инсон фалсафаси: инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. – 416 б.; Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. – Тошкент: «Фалсафа ва ҳуқуқ институти», 2009. – 152 б.; Ҳакимов Н. Х. Инсон экологияси. – монография. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2020 – 234 б.; Ҳайдаров Б. Бахт китоби. – Тошкент: Turonzaminziyo, 2015. – 272 б.

муассасаларининг ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш” (2018–2020 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бахт феноменининг инсон ва жамият, шахс ва социум муносабатларидаги ўрнини социоантропологик нуқтаи назардан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“бахт-саодат” тушунчаси, моҳияти, талқинлари ва илмий-фалсафий таснифини очиб бериш;

инсон ва жамият муносабатларининг бахт-саодат субъекти ва объекти эканлигини илмий асослаш;

Шарқ эвдемониясининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш;

Марказий Осиё мутафаккирлари меросида бахт-саодат ҳақидаги таълимотларнинг социоантропологик аҳамиятини очиб бериш;

баркамол авлод ва бахтли инсонни шакллантиришнинг диалектик боғлиқлигини аниқлаш;

бахтиёрлик индекси мазмунини такомиллаштириш, унинг фалсафий жиҳатларининг амалиётда намоён бўлишини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инсон ва жамият муносабатлари жараёнида бахт-саодат феномени танланган.

Тадқиқотнинг предметини бахт-саодат феноменининг ижтимоий-антропологик мазмунини шакллантирувчи омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анализ ва синтез, тизимли функционал таҳлил, таққослаш ва умумлаштириш, оммавий сўровнома, экпресс савол-жавоб, кузатув каби социологик илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“бахт-саодат” тушунчаси инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи, ижтимоий борлиқдан маъно излаб руҳий хотиржамликка, таълимга, вақтдан унумли фойдаланишга, маданий хилма-хиллик ва барқарорликка, ҳаётдан қониқишга ундовчи ижтимоий-антропологик феномен эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

шарқона эвдемониядаги жамоавийлик, оилапарварлик, альтруизм, инсонпарварликка хос ижтимоий бирлик, аҳиллик, иноқлик, меҳр-муҳаббат каби анъаналарнинг инсон бахтиёрлигига позитив таъсири бахт-саодатга оид назарияларнинг қиёсий таҳлили воситасида очиб берилган;

баркамол авлод концепциясининг эвдемоник ва социоантропологик аҳамияти янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ва давр характеридаги халқ розилигига эришиш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, меҳр-оқибат, шукроналик, ижтимоий ҳамкорлик каби миллий ва умуминсоний қадриятларни янада кучайтириш билан белгиланиши исботланган;

бахтиёрлик индексига оид иқтисодий барқарорлик, коррупция даражаси, ижтимоий таъминот, шахс эркинлиги, соғлиқни сақлаш, танлов эркинлиги, сахийлик, ялпи ички маҳсулот миқдори ва умр кўриш узоқлигига оид кўрсаткичларнинг замонавий ижтимоий-антропологик меъёрлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“бахт-саодат” тушунчаси ва индекси ижтимоий-антропологик тасниф этилиб, уларни таълим-тарбия жараёнига жорий қилишга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Марказий Осиё мутафаккирларининг бахт-саодат ҳақидаги таълимотларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш асосида нафси тийиш, таълим, ўзликни англаш, комилликка эришиш сингари ижтимоийлик анъаналарининг инсон бахтиёрлигини таъминлашга хизмат қилиши мантиқий далилланган;

баркамол авлод ва бахтли инсонни шакллантиришнинг социантропологик амалий аҳамияти давр талаби нуқтаи назаридан очиб берилган;

бахт индексини такомиллаштириш жараёнида унинг қизиқиш, мақсад, каби шахсий кечинмалар ҳамда вақт, макон билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тадқиқот жараёнида бирламчи манбалардан фойдаланилганлиги билан эришилган, шу билан биргаликда тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия қилинган журналлардаги нашрларда, хорижий нашрларда баён қилинган, шунингдек, тадқиқотда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий фалсафа, аксиология, антропология, этнография каби фан соҳаларини янги ёндашувлар, хулосалар билан бойитади ва шу йўналишдаги илмий тадқиқотларга маълум бир назарий йўлланма бўлиб хизмат қилиши, уларга изланиш доираларини белгилаб олишга ёрдам бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан ижтимоий-амалий ва маданий-маърифий тадбирларда, тараққиётнинг янги босқичида баркамол, бахтиёр авлодни шакллантириш ва оила институтини мустаҳкамлашга доир “Йўл хариталари”да, фуқаролар йиғинлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар кундалик фаолиятларида ҳамда ўқув-тарбия билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятида фойдаланиладиган ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бахт-саодат феномени ва унинг ижтимоий-антропологик моҳиятини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

шарқона эвдемониядаги жамоавийлик, оилапарварлик, альтуризм, инсонпарварликка хос ижтимоийлик анъаналар (ижтимоий бирлик, аҳиллик,

иноқлик, меҳр-муҳаббат)нинг инсон бахтиёрлигига позитив таъсирига оид илмий хулосалардан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари” деб номланувчи 2-бобига тегишли “Авесто – миллий ғоя шаклланишидаги муҳим манба” номли, “Ўрта асрларда ғоявий қарашлар тарихи ва хусусиятлари”, “Миллий ғояда инсон – энг олий қадрият” деб номланувчи, 8-бобининг “Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти жараёнида инсонпарварлик ғояларининг такомиллашув жараёни, унда авлодлараро ворислик ва янгиликнинг намоён бўлиши” деган мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 89-03-2321-сон маълумотномаси). Натижада шарқона бахт-саодат феномени ҳақидаги фалсафий қарашларнинг умумий таҳлили бўйича илмий хулосалар жамиятимиз маънавий тараққиётининг назарий концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

баркамол авлод концепциясининг эвдемоник ва социоантропологик аҳамияти янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ва давр характеридаги: халқ розилигига эришиш; ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш; меҳр-оқибат; шукроналик; ижтимоий ҳамкорлик каби миллий ва умуминсоний қадриятларни янада кучайтириш билан белгиланишига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши фаолиятида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли етказишда ва уларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган тадбирларда, шунингдек, “Тафаккур синовлари”, кўрик танловлари ҳамда Олий таълим муассасалари талаба ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” давра суҳбатларини ташкил этиш режаси ва сценарийсини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 7 февралдаги 04-13/543-сонли маълумотномаси). Натижада ёшларнинг Ватанга хизмат қилиш шунчаки шиор эмас, балки шахснинг ҳам, халқнинг ҳам фаровон, тинч ва бахт-саодатли яшаши кафолати эканлиги ҳақидаги тушунчаларни янада чуқурроқ англашига эришилган;

бахтиёрлик индексига оид иқтисодий барқарорлик, коррупция даражаси, ижтимоий таъминот, шахс эркинлиги, соғлиқни сақлаш, танлов эркинлиги, сахийлик, ялпи ички маҳсулот миқдори ва умр кўриш узоклигига оид кўрсаткичларнинг замонавий ижтимоий-антропологик меъёрлари такомиллаштирилишига оид илмий-амалий хулоса ва таклифлардан №ПЗ-20170929280 “Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш шароитида ёшларнинг толерантлик дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1149-сон маълумотномаси). Натижада “бахт-саодат” феноменининг жамият ҳаётида акс этиши

инсонларнинг толерант дунёқарашига бевосита боғлиқ эканлиги илмий асосланишига хизмат қилган;

“Бахт-саодат” тушунчаси инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи, ижтимоий борлиқдан маъно излаб, руҳий хотиржамликка, таълим, вақтдан унумли фойдаланишга, маданий хилма-хиллик ва барқарорликка, ҳаётдан қониқишга ундовчи ижтимоий-антропологик феномен эканлигига оид фикр-мулоҳазалардан Навоий вилоят телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган “Ташаббус бизда” дастури сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 мартдаги 33-сон маълумотномаси). Натижада тараққиётнинг янги босқичида баркамол авлод ва бахтли инсонни шакллантириш моҳиятини илмий асосда ўрганиш ва баён қилиш орқали таҳлилий телерадио материаллар тайёрлаш ҳамда уларнинг аҳамияти ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 12 та, жумладан, 6 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Бахт-саодат ҳақидаги таълимотлар ва қарашлар илмий-фалсафий тадқиқотлар объекти сифатида” деб номланган биринчи бобда бахт-саодат ҳақидаги таълимотлар ретроспектив таҳлил қилинди. “Эвдемония” тушунчасининг илмий-фалсафий талқинлари, файласуф олимларнинг эвдемоник қарашлари мазмуни, йўналишлари ўрганилган.

Бахт ҳаётимизни ҳаракатга келтирувчи, тараққиётга сабаб бўлувчи ҳаётий қадриятдир. Қадимги юнон донишмандлари бахтни роҳат-фароғат, бахт-саодат маъноларини англатувчи “eudaimonia” (“εὐδαιμόνιον” – “илоҳий

эзгулик”)⁶ тушунчаси билан ифодалаганлар. Улар “эвдемония”ни турли маъноларда, инсон, унинг ҳаётий муаммолари, орзу-умидлари, изланишлари билан боғлаб қўллаганлар. Уларнинг қарашларида бахт-саодат феномени омад, тақдир, кулфат ва мусибатдан хоилилик, яхши аҳвол, нарсаларга эгалик, ҳузур, роҳат-фароғат, бойлик, мулк, давлат орттириш, адолат, ақл, оқиллик, жасурлик, фойдалилик, гўзаллик каби воқеликлар билан боғлаб талқин қилинади.

Ушбу фикрлардан биринчидан, бахт-саодатни маълум бир нормалар (Сукротнинг эзгулик, ахлоқ ҳақидаги фикрлари) доирасига солиш; иккинчидан, инсоний хоҳиш-истаклар билан боғлаш (гедонизм ва эпикуризмнинг ҳаётдан ҳузур, завқ-шавқ олиб яшаш ғоялари) каби икки ёндашув юзага келганини кузатиш мумкин.

Бахт-саодатнинг инсон ҳаёти, билими, изланишлари билан боғлиқлиги Платон ва Сукрот диалогларида атрофлича баён қилинган. Улар таъкидлаган муҳим бир хусусият шундаки, донишмандлик ҳам, эгалик қилинадиган нарсалар – мулк, давлат, фазилат, ҳатто оқиллик ҳам ҳаётда қўлланилгандагина бахт келтиради. Аристотель эвдемонияси Платонники каби эзгуликка таянади, аммо у устозидан фарқли тарзда кишининг бахтиёрлигини ташқи муҳит, дўстлари, оиласи, давлат ва жамият билан боғлайди. Бу, яъни бахт феноменига муносабат илк, чекланган социоантропологик ёндашув эди.

Таъкидлаш лозимки, антик давр эвдемонияни алоҳида илмий-фалсафий мавзу сифатида талқин этишни бошлаб берган, бу борада ҳануз аҳамиятини йўқотмаган фикрларни билдирган бўлса, ўрта асрлар фалсафаси, теоцентрик ғояларни антропологик ёндашувлар билан уйғунлаштиришни назарда тутди, аммо уни ҳал эта олмади. Диний монотеистик, трансцендентал ёндашувлар инсон ҳаёти ва бахтини илоҳиёт билан боғлади, аммо инсон эрки масаласи фалсафий мушоҳадалар учун муҳим предмет, мавзу бўлиб қолаверди. Эрк бахтли яшашнинг муҳим шарти эди, шунинг учун унга оид муаммоларни илмий-фалсафий ва ижтимоий-амалий ҳал этиш лозим эди.

Янги давр фалсафасининг ўзига хослиги теоцентрик қарашлар ўрнига антропоцентрик ғояларни олиб кирганидандир. Ғарб файласуфлари бахтни индивидуал ҳодиса, унинг моҳияти шахс ички кечинмалари, ҳис-туйғуларида, деган назарий концепцияга асос ҳозирладилар. А. Шопенгауэр, М. Шелер ва Ф. Ницшенинг ҳаёт фалсафаси шахсни улуғлагани, уни бутун ижтимоий борлиқнинг марказига қўйгани бахт феноменига ҳам шу нуктаи назардан ёндашишга олиб келди. Бироқ бу Ғарб файласуфлари жамият креатив таъсирини инкор қилади, дегани эмас, бахт инсонга, шахсга қандай таъсир қилса, унга оид қандай феномен бўлса, у жамиятга ҳам оид шундай воқеликдир. Ғарбона эвдемониянинг шахс эрки, ҳуқуқи ва кечинмаларига таяниши уни Шарқона талқиндан фарқ қилишга етаклаган сабаблардан биридир.

⁶ Фалсафа: энциклопедик луғат – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. – Б. 306.

Мазкур бобда инсон ва социумнинг диалектик боғлиқлиги улар муносабатлари ҳақидаги ёндашувни социоантропологик воқелик сифатида қарашга ундаши таъкидланади. “Социоантропология” тушунчаси ўз моҳиятига кўра “социал” ёки “ижтимоий” ва “антропология” ёки “инсон”, “инсонга тааллуқли қараш” илмини ўз ичига олади.

Абу Наср Форобий жамият ва шахс ўртасидаги боғлиқлик ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Фозиллар шахри одамларидан баъзилари ҳамма учун муштарак умумий бўлган билимларни ўрганиб иш юритадилар, баъзилари эса фақат муайян мавқедаги одамлар билиши зарур бўлган билимларни ўрганиш ва иш юритиш билан шуғулланадилар. Бу одамларнинг ҳар бири, шундай умумий ва хусусий билимлар ва фаолиятлар орқали саодатга эришадилар”⁷. Демак, бахт-саодатга эришув: социум ва шахс амалларининг мавжудлигини тақозо этади. Аммо шахс амалларининг ўзи эмас, уларнинг тинмай такомиллашуви муҳим. Бу такомил жамият эҳтиёжларига мувофиқликдадир. Шу ўринда Шарқ ва Ғарб файласуфлари инсон бахтли яшашида фаолият муҳим ўрин тутишини назардан қочирмаганлари, бахт-саодатга эришиш фаолият орқали содир бўлиши тўғрисидаги фикрлар тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Чунки социоантропологик ёндашувнинг моҳияти айнан фаолият орқали англанади. Фаолиятнинг ижтимоий детерминистик хусусияти инсон хатти-ҳаракатларининг жамият талабларига, эҳтиёжларига мувофиқлигида акс этади. Бундан инсоннинг бахт-саодатга интилиши ҳам истисно эмас. Диссертацияда ушбу интилишлар қуйидаги йўналишларга ажратиб тадқиқ этилган:

1. Борлиқни билишдан завқ олиш, гносеологик изланишларга берилишни ҳаётий мақсадга айлантириш;
2. Ижтимоий борлиқни такомиллаштиришдан ўзига эвдемоник маъно топиш;
3. Трансцендентдан, иррационалдан “олий бахт” излаш;
4. Инсонларни севиб ва севилиб яшашни саодат билиш;
5. Ҳаётий идеал излаш ва унга эргашишдан ҳаётий мазмун топиш, умр моҳиятига етиш;
6. Социал муносабатлар, аввало, оилавий ҳаётдан бахтиёрлик излаш;
7. Изтироблардан, бахтсизликдан бахт-саодат қидириш.

Диссертацияда социал муносабатлар, жамият бахт феноменига ижобий воқелик сифатида таъсир кўрсатиши лозимлиги ҳисобга олиниб, қуйидагича талқин қилинган: Биринчидан, жамият бахт улашмайди, аммо у кишиларга бахтли яшаши учун зарур имкониятлар яратиб беради. Иккинчидан, жамият шахсни онгли, тафаккурли, ижодкор субъект сифатида шаклланишини кафолатлайди. Учинчидан, инсон ижтимоий мавжудот (Аристотель), унинг бу фазилатини жамиятдаги муносабатлар, ранг-баранг алоқалар, ҳаёт тарзи ва кундалик амалиёт кабилар шакллантиради. Тўртинчидан, социал муносабатлар оила, яқин кишилар давраси, меҳнат

⁷ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б.250.

жамоаси, кўшнилари, қариндош-уруғлар, маҳалла, хуллас, инсоннинг ҳар куни қиладиган алоқаларини шакллантирадиган микромуҳитлар бахт ҳақидаги тасаввурларга бевосита таъсир этувчи объектлар ҳисобланади. Бешинчидан, жамият таъсири қанчалик кучли бўлмасин, бахт шахсий, индивидуал хусусиятга, қадрга эга феномендир⁸.

Тадқиқотда бахтни шахс яққа ўзи тасаввур этса-да, унга фақат ўз ҳаётига тааллуқли феномен сифатида қараса-да, бу унинг мутлақ ўзига тегишли, мутлақ ўз хоҳишидан келиб чиқувчи, мутлақ ўзигина ҳал этиши мумкин ҳодиса эканини билдирмаслиги таъкидланади. Жамият нафақат ўрнатган муносабатлари, шунингдек, эъзозлайдиган, амал қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган қадриятлари орқали ҳам инсоннинг бахтли ёки бахтсиз яшашига таъсир этади. Айнан шунинг учун ҳам жамият, шахс билан ёнма-ён, баб-баробар бахт феномени субъектидир.

Бахт-саодат феномени ҳақидаги изланишлар шуни кўрсатадики, бахтли яшаш, фаровон ва ҳузурбахш ҳаёт барпо этиш кишиларнинг азалий орзуси бўлиб келган. Бахт-саодат ҳақидаги фикрлар мифотеологик, трансцендентал, иррационал, рационал илмий, аксеологик, социологик, психологик таълимотларда ўз аксини топган. Ушбу таълимотларда барча кишиларга, инсониятга хос умуминсоний ёндашув устувордир.

Ҳар бир шахс ўзи шаклланган ижтимоий муҳит, жамиятдаги қадриятларни, бахт-саодат ҳақидаги тасаввурларни ўзлаштиради ва шу таъсирлар асосида бахт ҳақидаги қарашларга эга бўлади. Ижтимоий муҳит, социумнинг детерминистик хусусияти шахснинг бахт-саодат ҳақидаги қарашларини йўққа чиқармайди, бахт шахсий, субъектив, феноменлигини сақлаб қолади. Бахт-саодатнинг ижтимоий-антропологик моҳиятини эса, инсон ва жамият манфаатлари, шахсий ва ижтимоий тасаввурларнинг уйғун келиши ҳақида фикрлаш орқали англаш мумкин.

Юқоридаги илмий-фалсафий қарашлар ва таълимотлардан келиб чиқиб, бахтга қуйидагича таъриф берилган: бахт кишининг ён-атрофга, ижтимоий ҳаётга, шахсий тажрибаларига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган маънавий-руҳий ҳолати, кайфияти ифодасидир. Бахт беқарор воқелик сифатида баъзан муайян ташқи таъсирдан ҳам ўзгариш хусусиятига эга. Шахс кайфиятини ҳаракатга келтирадиган ҳар бир омил бахт ҳақидаги тасаввурни у ёки бу томонга ўзгартириши мумкин.

“Шарқ мутафаккирларининг эвдемоник ижтимоий-фалсафий мероси” номли иккинчи бобда Шарқ фалсафасида бахт-саодат ҳақидаги қарашлар, таълимотлар тадқиқ қилинган, Шарқ эвдемониясининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Ушбу бобда Шарқ мутафаккирларининг эвдемоник қарашлари қадимги Хитой, қадимги Ҳиндистон ва Марказий Осиё минтақалари мисолида тадқиқ этилган. Диссертацияда мана шу учта минтақада шаклланган эвдемоник фалсафий қарашларда умумий жиҳатлар мавжудлиги эътироф этилган. У аввало, Шарқ халқлари ҳаёт тарзи ва менталитетидан чуқур жой олган

⁸ Қаранг: Татаркевич В. О счастье и совершенстве человека. – М.: Прогресс, 1981. – С.17-18.

жамоавийлик, ахил, иттифоқ бўлиб яшаш, оилапарварлик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик ғояларида ўз аксини топади.

Хитой фалсафасида ижтимоий-антропологик, шу жумладан, эвдемоник масалалар ижтимоий ҳаёт, давлат бошқаруви, адолат, олийжаноб эр олдидаги мажбуриятлар билан боғлаб қаралади. Хусусан, Хитой файласуфи Сюнь-цзи (эр. авв. 313-235 йиллар атрофи) айрим кишиларнинг бахти, ўзини бахтиёр сезиши давлатга, бошқарув тизимига, эл-юртда тартиб, қонун-қоидалар ўрнатилишига боғлиқлигини таъкидласа, Ли Гоу (1009-1059 йй.) давлатни бойитиш халқни, келажак авлодларнинг бахтли ҳаётини ташкил этиш билан боғлиқ, деган фикрдан келиб чиқиб, ўнта салбий иллатлардан халос бўлиш ва улар ўрнига ўнта ижобий фазилатларни шакллантириш режасини таклиф қилган. Сиёсий, фалсафий трактатлар ва уларда муҳокама қилинган масалалардан маълум бўладики, бахт алоҳида феномен сифатида жамият ва давлат ишларини бошқаришда универсал хусусиятга эга воқелик бўлиб, инсон ва жамият ҳаётининг барча томонларига тегишлидир. Демак, бахт фақат шахсий, индивидуал ҳодиса эмас.

Ҳинд фалсафасида бахт феномени кўпинча трансцендентал, спиритуалистик талқин қилинади. Сиддхартха Гаутама Шакъямуни (мил. ав. 567–488 йй.) асос солган буддавийлик моҳиятан кишини бахт-саодатга, ғам-изтиробларсиз ҳаётга, яъни нирванага етиш ҳақидаги таълимотдир. Шунингдек, “Маҳобҳорат”даги Кришна ҳақидаги ривоятлар, диний-фалсафий фикрлар бахт-саодатнинг спиритуалистик, трансцендентал хусусиятлари ҳақида етарли тасаввурлар уйғотади. Уларда бахт феномени ўзидан-ўзи, мавҳум бўшлиқдан келадиган нарса эмаслиги, Олий Браҳма ёки Олий Шахс, яъни, Кришна истаклари, саъй-ҳаракатлари ва қўллаб-қувватлашлари маҳсули сифатида тасвирланган.

Диссертацияда Шарқ халқлари бахт-саодатни инсоннинг жамият, ижтимоий муҳит, ён-атрофидагиларга муносабатлари билан боғлаб тушунишлари, бахт-саодат феноменининг социоантропологик аҳамиятини ҳам ана шу муносабатлардан қидириш, улар орқали очиб бериш тақозо этилишига эътибор қаратилган.

Марказий Осиё мутафаккирларининг бахт-саодат ҳақидаги қарашлари аввало, Авестода шаклланган ғоя, қараш тарзида баён қилинган. Бахтли, фаровон ҳаёт орзуси Авестода илоҳий даъват даражасига кўтарилган. Нафақат Авестода, умуман, Шарқ эвдемониясида бахт, омадни илоҳдан, трансцендентдан тилаш анъана ҳисобланади.

“Араблар файласуфи”, “Ислоҳ Аристотели” номини олган Ал-Киндий (801-866 йй.) инсон эришадиган ютуқлар, омад, дунёдан завқ, қониқиш олиши унинг ақл-у идроки, оламни билиш қобилияти билан боғлиқлигини эътироф этади.

Абу Наср Форобийнинг эвдемоник таълимоти мазкур мавзу учун муҳим аҳамиятга эга. Унинг (“Китаб ат танбих ала сабил ас са ада”) “Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола” ва (“Китаб таҳсил ас саада”) “Бахт-саодатга эришиш ҳақида” ги асарлари шулар жумласидандир. Файласуфнинг фикрича,

“Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир”⁹. Аммо бахт ўта мавҳум, мураккаб, ўлчаниши қийин феномендир. У ўзига чорлаб турадиган идеал тарзида мавжуддир. Шунинг учун ҳам Форобийнинг фозил одамлар шаҳри ва унинг фуқаролари, бахт-саодатли жамият ҳақидаги ғоялари утопия, деб қаралган. Абу Али Ибн Синонинг фикрича, ички хузурланиш, ҳиссий хузурланишдан юқори, чунки биринчиси ақлга таянади. Аллома ҳинд эротологларидан фарқли тарзда, ҳиссий лаззатланишни бахт, деб билмайди. Унинг учун бахт ақлий билишга асосланган “ички хузурланиш”, яъни етукликка интилиш, поклик, муҳаббат, изтиробларни енгиш, бошқалар даврасида бўлиб, уларга кераклигини англаш кабилардир.

Марказий Осиёда исломий ва тасаввуфий қадриятлар кенг тарқалган бўлса-да, мутафаккирларимиз дунёвий қадриятларни, реал ҳаёт билан боғлиқ тарзда бахт-саодатга эришиш йўллари ҳам борлигини инкор қилмаганлар. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида ақлни, тафаккурни “бахтиёрлик асрори” деб атайди ва уларни барча фаолиятнинг “боши” сифатида тараннум этади. Рудакийнинг ёзишича, “бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади”¹⁰. Насафий, Навоий, Бобур билимлилик, тўғрилиқ, поклик, меҳрибонлик, орият, ватанпарварлик каби юксак ахлоқий фазилатлар кишининг обрўсини ошириши, унга саодат бахш этиши борасида кўплаб фикрларни билдиришган.

Жадидчи маърифатпарварлардан Абдурауф Фитрат оилавий бахт-саодатга эришишнинг асосий манбаи исломий қадриятларда, уларга риоя этишда, деб билади¹¹. Қозоқ маърифатпарвари Абай Қўнанбоев, туркман шоири Махтумқули, қорақалпоқ шоири Бердақ, қирғиз оқини Тохтакул асарларида ҳам инсониятнинг бахтли-саодатли яшаши муаммосига эътибор берилади. Муҳими шундаки, агар ўрта асрларда бахт-саодат экзистенциал миқёсда, халқ, давлат поғонасида, кўпинча дин билан боғлаб идрок этилган бўлса, XIX асрга келиб, у шахс билан, унинг ҳаёти ва орзу тилаклари, оиласи билан боғланиб қаралган.

Мавзу тадқиқига ретроспектив назар ташлаш шуни кўрсатадики, Шарқ эвдемонияси инсонни бахтли қилиш масалаларига катта эътибор қаратган. Бахт-саодат мавҳум нарса эмас, у инсоннинг тақдири, ердаги ҳаёти, жамият, социум билан муносабатлари моҳиятини белгилаб келади. Ушбу муносабатларга қараб шахс ўзини бахтли ёки бахтсиз сезиши мумкин.

Марказий Осиё мутафаккирларининг эвдемоник фалсафий мероси асосан маънавий-ахлоқий характерга эга. Инсоннинг бахт-саодати ушбу қадриятларни ўзлаштиргани ва социум билан алоқаларида татбиқ этишига боғлиқдир. Демак, Шарқ эвдемонияси инсон ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришга интилади, бахт феноменини шахснинг ижтимоий фаолияти билан уйғунлаштириб талқин қилади.

Марказий Осиё мутафаккирлари эвдемоник қарашларининг социантропологик аҳамияти шундаки, улар бахт-саодатни, омадни Ғарб

⁹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 290.

¹⁰ Қаранг: Аҳмад Муҳаммад Турсун. Ҳикматлар китоби. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2013. – Б.140.

¹¹ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Тошкент: Чўлпон, 2019. – Б. 16.

файласуфларидан фарқли тарзда, утилитар мақсадлар билан боғламаганлар. Улар ҳатто бахт-саодатни бойлик орттиришга, шон-шуҳрат топишга зид воқелик сифатида қараганлар, очкўзлик, нафс ва фаҳш инсонга кулфатлар келтиришини таъкидлаб, ёшларни маънавий бойликлар тўплашга, юксак ахлоқий фазилатлар билан яшашга даъват этганлар.

Диссертациянинг “Баркамол авлод ва бахтиёр инсонни шакллантириш – социоантропологик вазифа” номли учинчи бобида Баркамол инсон концепциясининг бахт-саодатли инсонни тарбиялашга тааллуқли жиҳатлари, жамиятнинг демократик янгиланиш босқичига мувофиқ келадиган ижтимоий тарбиявий масалалар муҳокама қилинган. Жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, ижтимоий ҳаёт динамикаси бахт феноменига, ёшларнинг қизиқиш ва мақсадларига таъсир этаётганлиги илмий-фалсафий таҳлил қилинган. Инсон ва халқ манфаатларига хизмат қилиш миллий менталитет ва турмуш тарзидаги асосий принципдир. Бу принцип ҳозирги босқичда муҳим кўрсаткичга айланмоқда, бу эса бахт-саодат ҳақидаги тасаввурларда ҳам акс этмаслиги мумкин эмас. Мавзуда ушбу тасаввурларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва кўринишлари очиб берилган.

Диссертацияда бугун дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, интернет ва ахборотларнинг глобаллашуви кишиларнинг бахт-саодат ҳақидаги тасаввурларини кенгайтираётганлиги, баъзан эса, анъанавий қарашларни тафтиш қилишга ундаётганлиги, мавжуд анъанавий тасаввурлар хурфиқрлилик, турли ёндашувлар таъсирида, энди радикал тарзда ўзгариши ҳам мумкинлиги фалсафий таҳлил қилинади.

XX асрдаги илмий-техник инқилоб қандай глобал инқирозларни келтириб чиқарганини унутиб бўлмайди, бугунги кашфиётлар ўз кўлами ва фундаментал хусусияти билан бутун борлиқни инсонга душман қилиб кўйиши, кишиларнинг ҳаёт, бахт-саодат, орзу-умид ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас.

Замонавий жамиятда индивидуализм анъаналари баъзи ёшларда жамият ташвишларига, ён-атрофдаги кишилар фикрига “тупуриш”ни келтириб чиқараётгани, ўзининг истак ва хоҳишларини, қизиқишларини қондиришни бахт, омад деб билаётгани учрайди. М. Мэнсон бу анъаналарни ифода этиб, пофигизмнинг моҳиятини очиб қўяди¹². Айтиш мумкинки айрим ёшларга, ўз қизиқишлари билан банд кишиларга хос нигилизм ва эгоизм бутун жамиятга тааллуқли қадрият бўла олмайди, шунинг учун “ҳаммасига тупуриш” халқни, миллатни бахтиёр қила олмайди, у айрим ҳолларда ҳаётда ўз ўрнини, ҳаётий идеалини тополмай иккиланиб, ҳатто адашиб юрган ёшларга хос хислатдир.

Айрим “ривожланган” мамлакатларда оила қадриятлари сўниб, бир жинсли никоҳлар, баччабозлик ва яна аллақандай кўргуликларга қонуний тус берилмоқда¹³. Шу ўринда, бизда ҳам оилавий муносабатлардаги муаммолар,

¹² Мэнсон М. Тонкое искусство пофогизма: Парадоксальный способ жить счастливо. – М.: Изд. ННН, 2018.

¹³ Ҳайдаров Б. Бахт китоби: эсселар. – Тошкент: Turonzaminziyo, 2015. – Б. 25.

ажралишлар ошиб бораётганлиги сабабларига эътибор қаратилган. Бу борада асосий омиллардан бири сифатида хориж сериалларининг, айрим ҳолларда миллий сериалларимизнинг ҳам енгил-елпи ҳаётни “бахт” деб тарғиб қилаётгани танқидий таҳлил қилинган.

Замонавий фанда инсон бахтиёрлиги физиологик омиллар билан ҳам боғлиқ деб тушунтирилади¹⁴. Бахтни лаззатланиш асосида, физиологик жихатдан қандайдир моддалар билан таъминлашга бўлган интилишлар глобал бахтсизлик – гиёҳвандликни вужудга келтиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шунингдек, диссертацияда бугунги кунда глобаллашув жараёни билан боғлиқ тобора кенг ёйилиб бораётган “Оммавий маданият”нинг салбий томонлари очиб берилган.

Бу ўринда қуйидаги мулоҳазаларни билдирилган: биринчидан, замонавий жамиятда илдиз отаётган салбий ҳолатларнинг олдини олишда, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик каби иллатлардан ҳузур ва бахт қидириш кайфиятидан ёшларни асрашда, бузғунчи ва зарарли ғояларга қарши курашишда халқимизнинг бой маънавий қадриятлари, анъаналари асосий қурол бўлиб хизмат қилади; иккинчидан, биз озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахтли келажагини, уларда ҳақиқий инсонпарварликка, бунёдкорлик ва яратувчанликка асосланган бахт-саодат тушунчаларини тарбияламасдан, тасаввур эта олмаймиз; учинчидан, замонга мос илм-фан ютуқларини, касб-ҳунарларни эгаллаган, ҳам жисмонан ҳам маънан етук, мустақил фикри, фаол фуқаролик позициясига эга инсонларгина ҳақиқий бахтли ҳаётнинг пойдеворини кура олади. Зеро, бугунги рақобатли дунёда ушбу омиллар чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳар бир шахс, ҳар бир жамият учун ҳам бахтли ҳаётнинг муҳим шартини ҳисобланади.

